

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 12 ноябрь • сешанба № 43 (883)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдида



Томчида
турмуш тарзи

Аҳоли бандлиги
фаровонлик омили

МИЛЛИЙ матбуот марказида
“Оилавий бизнес, касаначиликни ри-
вожлантириш масалалари, яратилган
шарт-шароитлар, имтиёзлар, эриши-
лаётган натижалар” мавзусида матбу-
от анжумани бўлиб ўтди.

“ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ” Давлат дас-
тури доирасида “Маҳалла” ҳайрия жа-
моат фонди томонидан қишлоқ жой-
ларда аҳолига маиший хизмат кўрсати-
ш соҳасини ривожлантириш орқали
янги иш ўринлари яратиш мақсадида
кўрилган чора-тадбирлар натижасида
112 мингдан зиёд янги иш ўринлари
ташкил этилишига қўмаклашди. Шу-
нингдек, 262 минг нафардан ортиқ
касб-хунар коллежлари битирувчилари-
ни ишга жойлаштиришга, ўз хусусий
бизнесларини ташкил этиш истагида
бўлган фуқароларга эса 1 миллиард
сумдан зиёд банк кредитларини олиш-
ларига ёрдам берилди.

2 минг километрдан
ортиқ сув қувурлари

АХОЛИНИНГ сифатли ичимлик сувида
фойдаланишни яхшилаш чора-тадбирла-
рини амалга ошириш доирасида халқаро
молия институтлари маблағлари иштиро-
кида етти та лойиҳа ҳаётга татбиқ этил-
моқда ва бу борада 74,3 миллион доллар
ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 2 минг
километрдан ортиқ (2012 йилнинг шу да-
врига нисбатан 114,6 фоиз), шу жумладан,
қишлоқ жойларда 1,9 минг километр
(118,5 фоиз) сув қувурлари тармоғи ишга
туширилди.

Камқонлиқнинг давоси...

КАМҚОНЛИК, яъни анемияга қарши
таблетка ва инъекцияларсиз кура-
шишнинг янги усули Тошкент давлат
аграр университети олимлари томони-
дан ишлаб чиқилди...

ҚОН ТАРКИБИДАГИ темир моддалар-
нинг танқислиги асосан ҳомиладор ва ёш
болалар аёлларда учрайди. Ҳозиргача ушбу
касаликка қарши курашишнинг энг яхши
усули медиакментоз усул ҳисобланар
эди. Бироқ энди...

Ихтироқларни гуруҳи ўз кашфиётларига
патент олди. Янги технология амалиётга
жорий этиш учун шай.

Конвертларни очганда

ёки электрон почтада нима гап?

ТАҲРИРИЯТИМИЗДА республикамиз-
нинг турли бурчакларидан ранг-ба-
ранг мавзуда мақолалар келиши
тўхтамайди. Жумладан, Фарғона ви-
лояти адлия бошқармаси масъул хо-
дими Н.Тўйчиевнинг таҳририятга
йўлаган мақоласи “Жиноятни тергов
қилишда полиграфнинг қўлланиши”,
деб номланади.

“ТИББИЙ кўрик — соғлом оила гарови”
мақоласи муаллифи Сирдарё вилояти ФХД
архиви мудири вазифасини бажарувчи Нар-
ғиза Норматова оила қуриш останада
турган йигит-қизларга ОИТС, бепуштлик,
онаник ва болалик муҳофазаси, қариндош-
уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарари ҳақда
чекишнинг ҳомилага салбий таъсири бо-
расида тушунтириш ишлари олиб борила-
ётганини алоҳида таъкидлаган.

Ҳадемай халқимиз Конституциямиз
қабул қилинганлигининг 21 йиллигини
кенг нишонлайди. Шу муносабат билан
таҳририятимизга Асосий Қонунимизга ба-
ғишланган мақолалар оқими кўпаймоқда.
Сирдарё вилояти Никоҳ уйи мудири Гул-
ҳаё Расулова мақоласи ана шу мавзуга
бағишланган. Мақола “Конституция — бах-
тимиз қомуси”, деб номланган.

Хабарларни “Инсон ва қонун” муҳбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ саралади.

Ҳаётимиз қўлланмасига айланган ҳужжат

Ҳуқуқий маданиятга эга бўлган одам Конституция унинг барча
ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишини тўлақонли англаб етади

Хабарингиз?
борми?

Корхонага ном қўйиш
масъулиятли вазифа

АЙНИ ПАЙТДА мамлакатимизда 300
мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти
борлигини ҳисобга олсак, бир-бирини
такрорламайдиган, янги номларни топиш
қанчалар масъулиятли ва мушкул экан-
лигини тасаввур қилиш қийин эмас.
Президентимиз томонидан 2011 йил 12
майда қабул қилинган “Тадбиркорлик
субъектларини ташкил этиш ва давлат
руйхатидан ўтказиш тартибини янада
тақомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Қарорига қўра, тадбиркор-
ларга қўмаклашиш мақсадида интернет
тармоғида фирма номларининг захира базаси
яратилган. Электрон захирага олиш тиз-
ми ва фирма номларининг марказлашти-
рилган маълумотлар базасини юритиш эса
Ўзбекистон Республикаси Давлат статисти-
ка қўмитаси зиммасига юкланган.

2013 йил 1 октябргача мазкур қўмита
томонидан 137 мингдан ортиқ фирма номи
захирага олингани иш фаолиятини бош-
лаётган тадбиркорлик субъектлари учун

улкан қулайлик-
дир. Жорий
йилнинг ўтган
даврида очил-
ган 30 мингдан
ортиқ янги тад-
биркорлик субъ-
ектларининг номи барча та-
лабларга жавоб бериши таъминланди.

Бундан ўн йиллар аввал фирма номи
тўғрисидаги маълумотномани олиш иста-
тида бўлган тадбиркор давлат статисти-
ка органига келиб, ариза ёзгач, маса-
ла уч иш куниде қўриб чиқиларди. Энди
эса, яъни соҳага замонавий ахборот-ком-
муникация технологиялари кенг жорий
этилгач фирма номини захирага олиш
бор-йўғи 4 соат ичида амалга оширил-
моқда. Захирага қўйиш жараёнида, энг
аввало, танланган фирма номининг тўғри
ёзилиши, менталитетимизга мос бўли-
шига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)



ЖОРИЙ ЙИЛ-
НИНГ ўтган дав-
рида мамлакатим-
из маҳаллалари-
да 20 мингдан
зиёд оилавий тад-
биркорлик фаоли-
яти ташкил этил-
ди, 7 мингдан
ортиқ маҳалла фу-
қаролар йиғини
ҳудудиде янги
хона, сартарош-
лик, кулчилик,
дурадгорлик, ко-
сиблик, ёғоч ўй-
макорлиги, тикув-
чилик, зардўзлик
ва бошқа хунар-
мандчилик йўна-
лишлари, 5 минг-
дан ортиқ оилада
касаначилик фао-
лияти йўлга қў-
йилди.



АНДИЖОН вилоятининг Бўз тумани-
даги “Гулмурод замини” фермер ҳўжа-
лиги бу йил гўзани суғоришда янги тех-
нологияни тажрибадан ўтказди. Яъни
Жиззах пластмасса буюмлари корхона-
сида ишлаб чиқарилаётган шланг ва
ёрдамчи жиҳозлар асосида тайёрланган
технология ўзининг қулайлиги, кам
меҳнат талаб қилиши, иқтисодий самар-
адорлиги билан эътиборга молик экан-
лигини исботлади. Янги технология асо-
сида суғорилган ер майдонида қўшни
майдонларга нисбатан ҳосилдорлик гек-
тарига 5 центнер юқори бўлди.

— Шу пайтгача амалда қўлланаётган
анъанавий усул кўп ишчи кучини талаб
этади, — дейди Норин-Қорадарё ирри-
гация тизимлари хавзаси бошқарма бош-
лиги ўринбосари Шўхратбек Эргашев. —
Янги технология асосида 36 соат ичида
3 гектар ер майдони бир маромда суғо-

Янги технология
асосида суғориш фойдали

рилди. Анъанавий усулда эса шунча май-
дондаги гўзани суғориш учун 70-72 соат
вақт керак бўлади. Энг муҳими, янги тех-
нология ҳудуднинг туپроқ шароитига
қараб, 50 фоизгача сувни иқтисод қилиш
имконини беради.

Дарвоқе, яқинда мазкур фермер ҳўжа-
лигида кузги галлани суғоришни сифат-
ли ташкил этиш, сувдан унумли фойда-
ланиш ва суғоришда янги технология-
ларни қўллаш масалаларига бағишлан-
ган республика кўргазмали семинари
ташкил этилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизими хо-
димлари, фермер ҳўжаликлари раҳбар-
лари иштирок этган тадбирда мавзу до-
ирасидаги масалалар атрофида муҳо-
кама қилиниб, суғоришда илғор техно-
логияларни қўллаш юзасидан таклиф ва
тавсиялар билдирилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўқув-машғулот

Уч буюк қадрият:

Маънавият, маърифат, ахлоқ-одоб

— БУГУН дунё ривож-
ланишнинг юқори чўққи-
сига чиқиб олди. Аммо
ана шу тараққиёт инсон-
ларнинг маънавият ва
маърифатга бўлган
эътиборини, одоб-
ахлоққа нисбатан эъти-
қини сусайтирмаслиги
лозим. Биргина интер-
нетнинг пайдо бўлиши
айримларни китоб
мутолаасидан мосуво

қилган бўлса, яна баъзи-
ларнинг эса одоб-ахлоқи-
га ўз ҳукмини ўтказмай
қолмаяпти. Биз бу билан
интернетни инсонлар учун
кераксиз матоҳ, дейиш
ниятидан йироқмиз.
Ундан оқилона фойдала-
ниш фақат фойда келти-
ради. Бироқ гап унга
жойлаштирилаётган
баъзи маълумотларнинг
маънавият ва маърифат-

га путур етказётганида
ҳамда инсонларни ахлоқ
ва одоб доирасидан четга
чиқарувчи фильм ёки
суръатларнинг чегара
билмай тарқалишида, —
дейди Адлия вазирлиги-
да ўтказилган галдаги
Ўқув-машғулот меҳмони
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ҳодими, шоира Ўзбекис-
тон ёзувчилар уюшмаси

Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим
бошқармаси

“Очиқ эшиклар куни”

Хусусий мулк тараққиёти

ишбилармонлар сафини
кенгайтирмоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
томонидан кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари-
нинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш
йўналишида навбатдаги “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилди.

УНДА ТАДБИРКОРЛИК субъектлари, тижорат банклари, ҳуқуқни му-
ҳофаза қилувчи органлар, хизмат кўрсатувчи идоралар вакиллари иш-
тирок этиб, бу борадаги кафолат ва имтиёزلарни атрофида муҳокама
этидилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда нафақат жамиятдаги
ижтимоий ва сиёсий тараққиётни белгилловчи, балки юрти-
мизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи асосий кучга

2



“INSON VA QONUN”
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна нисбати — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
Tel/fax: 233-64-50



“HUQUQ VA BURCH”
ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна нисбати — 902.
e-mail: info@huquqburch.uz
Tel/fax: 233-21-93



“Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами”
ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна нисбати — 949.
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz
Tel/fax: 233-67-65



“Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўплами”
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна нисбати — 949.
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz
Tel/fax: 233-67-65



LexUZ — Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратди.
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz
www.lex.uz
Tel: 236-73-98
236-17-33

Хаётимиз қўлланмасига айланган ҳужжат



КОНСТИТУЦИЯ, энг аввало, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида шакллантирувчи, унинг буюк келажagini таъминловчи қонун ҳужжати. Уни ўрганиш ва унда белгиланган қонун-қондаларга оғишмай амал қилиш эса ҳар бир фуқароннинг давлат ва жамият олдидаги муқаддас бурчидир. Унинг гоё ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик таъриб ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилган бўлиб, муқаддасидан бошлб барча моддалари мустақиллик юзлари асосига қўрилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

ЖАМИЯТДАГИ ҳар қандай тараққиёт ва ривожланиш муайян ҳуқуқий асосларга эга бўлса, қўрилган самарани беради. Бу фикрнинг нечоғлик тўғри эканлигини истиқлол даврида кечган мустақил тараққиётимиз, халқимиз қўлга киритган улкан муваффақиятлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Зотан, ўтган қисқа давр мобайнида халқимиз ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаш, жаҳон ҳам-жамиятида обрў-эътибор қозонишда истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган Бош қонунимиз, яъни Конституциямиз тўла ҳуқуқий қафолат яратиб берди.

Энг муҳими, ўтган давр ичида Асосий Қонунимиз ўзининг халқчиллиги билан ҳар бир фуқароннинг юрагидан ўрин олди. Таъкидлаш жоизки, Бош қонунимиз моҳиятан фуқароларда Ватан тақдирини ўзини масъуллик туйғусини шакллантиради. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ва элнинг, шунингдек, турли дин вакиллари ҳаётини маънавият ва иқтисодиётининг ўзига хос эътибори, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, Ватан олдидаги масъулиятларини тўлақонли равишда ифода этиб беради.

Ўтган давр мобайнида Конституция нормаларига мувофиқ 15 та кодекс, 600 дан зиёд қонун қабул қилинди, 200 дан ортиқ халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, энг аввало, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятга, яъни, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши билан бирга, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқини, давлат ва шахс манфаатларини ҳурмат қилишига боғлиқ. Шу боис, давлатимиз томонидан ҳуқуқий маърифат масаласига алоҳида эътибор берилганлиги, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш чоралари кўрилатгани ҳам бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Конституцияни ўрганишга давлат сиваси даражасида эътибор қаратилади. Маълумки, шу мақсадда 2001 йил 4 январда Ўзбекистоннинг **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-ни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармойиши эълон қилинди. Ана шу Фармойиш талабларидан келиб чиққан ҳолда Конституция юртимизнинг барча боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Мазкур таълим босқичларида инсон ҳуқуқларига оид билим асослари, қонунчилик ва халқаро ҳуқуқнинг нормаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бош Қонунимизнинг 18-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”**, деб белгиллаб қўйилган. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади ҳамда улар мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари ҳисобланади.

Жамиятимизда, ҳар бир оилада ва фуқароларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгиллаб қўйилган талаб ва қондаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билишимиз, Конституциямизни ҳурмат қилишимиз, унга сингдирилган ҳаёт ҳақиқатларини англаб етишимиз жуда муҳимдир. Зотан, қонун англаб етилгандагина, ҳар бир фуқароннинг қалбидан жой олади. Фуқаро қўлида дастуриламала амалга айланади. Чунки ҳар қандай Конституциянинг устуңлиги жамиятдаги фуқароларнинг ҳуқуқий оид билангина мустақамланади. Ҳуқуқий маданиятга эга бўлган одамгина Конституция унинг барча ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишини тўлақонли англаб етди. Ўз ҳаётини Конституция талабларига мос равишда куради. Инсоннинг қадриятини, ҳаётининг мазмунини ва яшамоқлик моҳиятини идрок этади. Шундай экан жамиятимиз, ана шу жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни ўрганиш, уни қўлдан олиб ҳаётимиз қўлланмасига айлантириш ҳар биримизнинг асосий вазифамизга айланимоғи лозим.

Шавкат САТТОРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

БУГУНГИ кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқчил ва ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланган. Бир сўз билан айтганда, маҳалла ўтган давр ичида ўзига хос шарқона бошқарув идораси сифатида ўзини намоён этиб, аҳоли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш маркази сифатида шаклланди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан ишлаб чиқилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да ҳам маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг

қўламини кенгайтириш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органи фаолияти устидан жамоатчилик

аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлашга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда очиқлик ҳамда ошкораликни оширишга хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги **“Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”**ги қарорига асосан жорий

Сайлов бошланди Шарқона бошқарув идораси

аҳоли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш маркази сифатида шаклланди



вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш вазифасини илгари суриди. Шу асосда жорий йилда **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги ҳамда **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”**ги қонунларнинг янги тахрирда қабул қилиниши маҳалла фаолиятини модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу қонунлар маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари

назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга ҳамда унинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришдаги, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ролини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”**ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши, энг аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштиришга, раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий таърибга эга,

йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши белгиланди ҳамда бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилганлиги маълум қилинди. Айни дамда ушбу сайловлар Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”**ги Қонунига асосан, яъни янгида демократик ва илғор қондалар асосида амалга оширилиши, республикамиздаги

энг кўп сайловчилар аудиториясини қамраб олиши, сайловда қатнашувчи номзодлар сони ҳам ўзига хослиги билан аҳамиятли бўлиб, ушбу сайловлар мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

Қонунда, шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билангина амалга оширилиши, уларнинг таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши депутатлари киритилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, ишчи гуруҳга аҳоли фикрини иноватга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси вазифасига муносиб номзодларни илгари суриш ҳуқуқи берилди.

Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларга қўшимча талаблар белгиллаб қўйилди. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, келажакдаги фаолият дастурини эълон қилиши керак. Қонун фуқаролар йиғинлари сайловларининг очиқлигини, шаффофлигини ва адолатчилигини таъминлаш шубҳасиз. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самардорлигини янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганидан далолатлир.

Хулоса ўрнида айтганда, соҳа қонунчилигининг такомиллашуви фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда фуқароларнинг иштироки билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини тўла рўйбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлашга ҳамда сайловга ошкоралик, мубоиллик ва тенглик тамойиллари асосида ҳозирлик кўрилиши ҳамда ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳонгир САФАРОВ, Улугбек ХУСАИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалддаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходимлари, юридик фанлар номзодлари

Тадбиркорлар манфаатларини қўлаб қўйишга қаратилган 16 миллиард сўмдан ортиқ даъво аризаларининг 804 таси судлар томонидан қаноатлантирилди, уларга 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ундирилди таъминланди.

Очиқ мулоқот давомида иштирокчиларнинг раҳматидан ақиб қолган тўғри ҳақиқатларни аниқлаш бўйича ҳисоботларни тузиш борасида амалиётга киритилган қўлаб қўйиш ва имтиёзлар ҳамда ақли органларининг бу борада амалга ошираётган тадбирлари ҳақидаги саволларга атрафли жавоб қайтарилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Муҳокама “Давлат мулкни бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш: миллий ва хорижий таъриб”

Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтган семинар ана шу мавзуга бағишланди

СЕМИНАРДА давлат мулкни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, давлат мулкни бошқаришга оид миллий ва хорижий қонунчиликнинг қисқич таҳлили ҳақида сўз борди.

ДАРҲАҚИҚАТ, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат мулк объектларининг катта қисми давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бу ҳолат мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида давлат мақомини белгиллашда энг асосий омиллардан бирига айланган. Зеро, бир пайтлар жамиятдаги яқна ва ягона қудратли мулкдор ҳисобланган давлат мол-мулки бозор қонуниятларига мувофиқ равишда мулкдорлар қўлига топирилди ва бу, ўз навбатида, талаб ва тақлиф, рақобат каби бозор иқтисодиётининг энг муҳим қонуниятлари жамиятда амал қила бошлашига олиб келди.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ижтимоий ҳаётнинг қўллаб соҳаларида давлат монополиясининг барҳам топишига ва соғлом рақобатнинг шаклланишига ҳамда давлатнинг мулкдорлик мавқеи тубдан ўзгаришига олиб келди. Жумладан, алоқа, тиббий хизмат, ҳуқуқий хизмат каби хизмат кўрсатиш соҳаларидаги қўллаб ташкилотларнинг ва мол-мулкларнинг хусусийлаштирилиши бу соҳаларни жадал суратларда ривожлантиришга замин яратди. Яъни, давлат мулкнинг доминантлигига барҳам берилди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мулкни илгаригидек фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилмайдиган ва “мулҳо дахлсиз” мулк эмас, мулкнинг бошқа шакллари каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қаратиладиган объектга айланган.

Айни вақтда, давлат мулкни ҳам мулкнинг бир шакли сифатида бошқа мулк шакллари каби тенг ҳуқуқли ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилади. Шунингдек, давлат мулк объектлари миллий бойлик эканлиги билан ҳам изоҳланади. Барча макон-у замонларда, ҳар қандай давлат мулкнинг бирламчи ва асосий объекти шу давлатга тегишли худудни ташкил этадиган ер майдони, табиий бойликлар, турли маъданлар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш билан шуғулланадиган қонлар, давлат ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бир сўз билан айтганда, табиий бойликлар ҳисобланган.

Яна бир масала — ҳозирги кунда давлат мулкнинг икки қўрнини ҳисобланган республика мулк ва муниципал мулкнинг ўзаро нисбати, уларни берибдан иккинчисини ажратиб турувчи мезонлар мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Турли, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июлдаги 355-сонли қарор билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкига (коммунал мулкка) бўлиш тартиби”** республика мулкни ва муниципал мулкни бир-биридан ажратувчи ҳолатларни нормаласида, бу жараёни аниқ ифода этмайдиган ва тўлиқ қамраб олмайди. Амалийот шунинг кўрсатмоқдаки, қандай ҳолларда қайси органнинг ақтини чиқариш ҳам муаммо бўлмоқда.

Семинар давомида шулар ҳақида сўз юритилди ва яқунда ижтимоий-сиёсий тузилма — давлат мавжуд экан, давлат мулк шаклига эҳтиёж бўлаверши таъкидланди. Унинг ҳуқуқий режими билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий майдонга — қонунга қўчириш мавриди келганлиги билдирилди.

Семинарда қонуннинг номи хусусида баҳс-мунозаралар бўлди. Яъни, айнан шундай қоладини ёки **“Ўзбекистон Республикасининг давлат мулк тўғрисида”**ги ном бўладими? Шунингдек, муҳокама қилинган қонун лойиҳасида “давлатнинг мулк ҳуқуқини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмаслиги керак”лиги ҳақида норма киритилиши илгари сурилди.

Шунингдек, республика ва муниципал мулк ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш, бу борадаги давлат органларининг ваколатларини тақсимлаш, давлат мулкни фонди ва муниципал мулк фонидан мол-мулкларнинг ўзаро алмашиниб туриш мезонларини ўрнатиш, мол-мулкларнинг ушбу мулк фонидаридан иккинчисига ўтишининг соддаштирилган тартиби ва қондаларини ишлаб чиқиш лозимлиги билдирилди.

Миродил БАРАТОВ,
ТДЮУ профессори вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар доктори

Қуруқ ваъдалар

икки йил сарсон қилди

ҲАР БИР инсон у ёки бу қорхона, ташкилот ёхуд муассасада меҳнат қилар экан, албатта, шу орқали рўзгор тебратиш, яъни фаровон ҳаёт кечирини ўз олдида мақсад қилиб қўяди. Аммо ушбу меҳнатига яраша иш ҳақини вақтида ололмасми-чи? Бундай вазиятда ҳафласи пир бўлиб, кўнглида амалдаги қонунларимизга нисбатан ишончсизлик юзага келиши мумкин.

УЙЧИ ТУМАННИНГ Ёрқатай қишлоғида яшовчи Маҳмуджон Бўтабоев ҳам ана шундай ноҳақликка дуч келди. Гап шундаки, М.Бўтабоев бир неча йиллар мобайнида Наманган вилояти “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш бошқармасида турли лавозимларда меҳнат қилди. 2011 йилга келиб, эса оилавий шароити тўғрйлими, ўз хоҳиши билан ишдан бўшади. Лекин шундан буён орадан икки

йил вақт ўтса-да, 5.398.084 сўм миқдоридagi иш ҳақини ололмади. Бу хусусда бошқарма бошлиғи ва бош хисобчига бир неча маротаба мурожаат қилса-да, натижа бўлмади. Бошқарма бошлиғи Қ.Солиев ҳар гал уни қуюк ва қуруқ ваъдалар билан сийларди ҳолос.

Натижа бўлавермагач, М.Бўтабоев вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, иш ҳақи ва ўзига етказилган маънавий за-

рарни ундиришда амалий ёрдам беришни сўради.

Меҳнат кодексининг 110-моддасига мувофиқ М.Бўтабоевнинг иш ҳақлари меҳнат шартномаси бекор қилинган куннинг эртасидан кечиктирилмасдан тўланиши лозим эди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартда қабул қилган **“Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорининг 3-бандида мулкчилик шаклларидадан қатъи назар қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатилган. Шу боис ад-

лия бошқармаси томонидан тилга олинган иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво ариза

ВАЗИРЛАР МАҲКАМСИНИНГ 2003 йил 4 сентябрдаги **“Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва**

Адлия аралашгач...

киритилди. Пировардида суд томонидан “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш бошқармасидан М.Бўтабоев фойдасига 5.398.084 сўм иш ҳақи ҳамда жабрланувчига етказилган маънавий зарарнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқарма бошлиғи Қ.Солиевдан 100.000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди. Шу тариқа фуқароннинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Наима ЯДИГАРОВА,
Наманган вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Қарзлар тўланиши таъминланди

ўрнатиш вазифаси юклатилган.

Шундан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида судларга 6 771 933 711 сўмлик 654 та даъво аризаси киритилган бўлса, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, унга йўл қўйган шахсларни иттизомий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли идораларга 62 та тақдирнома юборилди. Жумладан, Денов туманида фаолият юритаётган “Саттор Мирзабоши”

фермер ҳўжалиги манфаатини қўлаб, “Хайрбод пахта” акциядорлик жамиятига нисбатан киритилган даъво ариза суд томонидан қўриб чиқилиб, 21 257 700 сўм асосий қарз ва 2 338 347 сўм пеня, Қизилқир туманидаги “Чорвадор” фермер ҳўжалиги фойдасига эса “Қизилқир пахта” акциядорлик жамиятига нисбатан киритилган даъво ариза ҳам суд томонидан қаноатлантирилди, 18 647 681 сўм асосий қарз ва 2 000 000 сўм пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

асосий қарз ва 2 500 000 сўм пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди. Бундан ташқари, Сарисий туманида фаолият юритаётган “Раҳмат ака” фермер ҳўжалиги манфаатини қўлаб, “Сарисийдон-махсулотлари” акциядорлик жамиятига нисбатан киритилган даъво ариза ҳам суд томонидан қаноатлантирилди, 18 647 681 сўм асосий қарз ва 2 000 000 сўм пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Баҳодир ЧОРШАНБИЕВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Қонун моҳияти

Риэлторлик хизмати

кўчмас мулк объектларига доир битимларни амалга оширади

ОЛИЙ МАЖЛИС Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бозор иқтисодиётига асосланган давлатимизда кўчмас мол-мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

“РИЭЛТОРЛИК фаолияти” бу — юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги қарори асосида “**Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида**”-ги Низом тасдиқланиб, ушбу фаолият турини лицензиялаш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 40-моддасига кўра, риэлторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.

Риэлторга лицензия

кўчмас мулк бозорига фақат ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун берилди ҳамда риэлтор ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга эга бўлиши қонунда белгиланган.

Риэлторлик хизмати кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни амалга оширади. Жумладан, кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқаришни, кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизматларини амалга оширади.

Риэлторлик фаолияти билан шуғулланишнинг ўзига хос томони шундаки, ушбу фаолиятни амалга оширувчи риэлторлик ташкилоти риэлторлик фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига



эга эмас. Қонунда кўрсатилишича, риэлторлик ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Қонуннинг III бобида риэлторлик ташкилотлари, риэлторлар ҳамда буюртмачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Унга кўра, риэлторлик ташкилоти ва риэлтор ўз ваколати доирасида риэлторлик хизматлари кўрсатиш, ўз риэлторлик хизматларини ва буюртмачининг кўчмас мулк объектларини реклама қилиши, риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси

шартлари буюртмачи томонидан бажарилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб этиши, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда олиш ҳуқуқларига эга эканлиги белгиланган.

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор буюртмачининг талабига биноан лицензияни ва малака сертификатини кўрсатиши, ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши, буюртмачига риэлторлик хизматларини фақат риэлторлик хизматлари кўрсатиш шарт-

Фармон ва ижро

“Жиззах” махсус индустриал зонаси

янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда

ДАВЛАТИМИЗ мустақилликка эришган даврдан буён мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, хусусан, хорижий инвестицияларни республикамизга жалб қилишга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Натижада, Ўзбекистонда қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламадаги имтиёзлар, кафолатлар тизими белгиланиб хорижий инвесторнинг ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда фаолият эркинлиги қонуний кафолатланди.

ЖИЗЗАХ ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадаларини ошириш мақсадида, шунингдек, юртимизда ўзбек-хитой саноат паркинни барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро қилишув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ Юрбошимизнинг 2013 йил 18 мартдаги “**Жиззах**” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган “Жиззах” махсус индустриал зонасини “Жиззах” МИЗ барпо этиш белгиланди.

Шунингдек, Фармонга кўра ички

ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиш учун тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш таъминлаш, минерал хомашё ресурсларини ва қишлоқ ҳўжалик хомашёсини қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришни барпо этиш кўрсатиб ўтилган. Фармонда махсус индустриал зона ва умуман, республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳал-

лий хомашё ва материаллар неғизидан юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, “Жиззах” МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва иқтисодий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш таъминлаш “Жиззах” МИЗ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди.

Фармонда “Жиззах” МИЗнинг фаолият юритиш мuddати 30 йилни ташкил этиши ва бу мuddат кейинчалик узайтирилиши мумкинлиги, “Жиззах” МИЗ қатнашчиси мақоми “Жиззах” махсус индустриал зонаси маъмурий кенгашининг қарори билан берилиши ҳамда “Жиззах” МИЗ фаолият юритишдан мuddат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва боғжона имтиёзлари амал қилиши белгиланди.

Хусусан, “Жиззах” махсус индустриал зонаси қатнашчилари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан, ободонлаштириш ва иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўло-

номаси асосида кўрсатиш, риэлторлик хизматлари кўрсатиш чоғида буюртмачининг манфаатларини ифодалаш, риэлторлик хизматлари кўрсатиш давомида олинган махфий ахборотни ошкор этмаслиги лозим. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, буюртмачидан олинган ҳужжатларнинг бут сақла-нишини таъминлаш, буюртмачига кўчмас мулк объектига, унга бўлган ҳуқуқларга тааллуқли ишончли ва тўлиқ ахборотни, шунингдек, кўчмас мулк объектининг мулкдори (ҳуқуқ эгаси) ҳақидаги ушбу қонунда назарда тутилган ахборотни тақдим этиши мумкин. Буюртмачини кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатида ўтказиш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлаш, буюртмачининг ёзма мурожаатларига ёзма шаклда жавоб бериши, бажарилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномалари бўйича архив материалларини шакллантириши ва уларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган мuddат мобайнида сақлаш шартлиги каби қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳамидулло САЎДУЛЛАЕВ,
Навоий вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

видан ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди.

Шунингдек, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида “Жиззах” МИЗ ҳудудида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлан-диган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари-ни (боғжона йўлларидан ташқари) тўлашдан озод қилинди. Бунда ушбу кўрсатиб ўтилган имтиёзлар инвестиция ҳажмига қараб берили-ши, яъни инвестицияларнинг ҳажми 300 миң АҚШ долларида 3 миллион АҚШ доллари (эквивалент) бўлганда 3 йил мuddатга, 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида ор-тиб 10 миллион АҚШ доллари-га бўлганда 5 йил мuddатга, 10 миллион АҚШ долларида ор-тиқ бўлганда 7 йил мuddатга қўллани-лиши белгиланди.

Натижада, ушбу ҳудудда бугунги кунда 2 та хорижий инвестиция иш-тирокидаги корхона ташкил этил-ди, яна 15 тадан ортиқ корхона таш-кил этиш юзасидан ҳамкорлик би-тимлари тузилган.

Мутасарр қилиб айтганда, ушбу Фармон ҳам республикамизга, ху-сусан, Жиззах ва Сирдарё вилоят-ларига қўлаб хорижий инвестиция-ларни ва замонавий технологиялар-ни жалб этишга, янги иш ўринла-рини яратишга, аҳоли даромадла-рини оширишга, иқтисодиётимиз-нинг ривожланишига ўзининг ижо-бий натижасини кўрсатади.

Бунёд АЗИЗОВ,
Жиззах вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

нинг оғзаки сўрови пайтида айтилмаган 9 донга салот борлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда “Бейнеу — Кўнгрот” поезди йўловчи-си О.Ражаповни боғжона на-зоратидан ўтказиш вақтида ушбу фуқаро томонидан 32 донга пиротехника воситаси-нинг юртимизга яширин ра-вишда олиб кирилишининг олди олинди.

“Қарши” темир йўл чегара боғжона пости ходимлари томонидан “Москва — Қўлоб” поезди йўловчи-си, қўшни давлат фуқа-роси Н.Тошонов тек-ширилганда, ушбу шахс ҳеч қандай ҳуж-жатларсиз, амалдаги тартибларга зид ра-вишда 46 донга пиротехника воситасини яширин равишда юр-тимиз орқали олиб ўтишга урингани фош бўлди.

Ҳозирда юқорида-ги ҳолатлар юзаси-да боғжона текши-рувлари ва суришти-рув ҳаракатлари давом этти-рилмоқда.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат боғжона
қўмитаси
Ахборот хизмати
катта инспектори

Ҳўжалик суди амалиётидан

Ҳисобдан чиқарилган пеняни ундириш учун тақдим этилган инкассо топшириқномаси

суд томонидан ижро этилиши мумкин эмас, деб топилади

ҲУКУМАТ комиссиясининг баённомасига асосан ҳисобдан чиқарилган пеняни ундириш учун давлат солиқ хизмати органи томонидан банкка тақдим этилган инкас-со топшириқномаси суд томонидан ижро этилиши мумкин эмас, деб топилади.

ИШНИНГ МАЗМУНИ

“Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бир-лашмаси 2006-2008 йиллар мобайнида жисмоний шахслардан олинадиган даро-мад солиғи тўғрисидаги ҳисоботларни ша-ҳар давлат солиқ инспекциясига топшир-масдан келган.

Ўтказилган камерал назорат натижаси-да шахар давлат солиқ инспекцияси “Пах-тасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлаш-маси томонидан молиявий ва солиқ ҳисо-ботларини тўлдиришда хатога йўл қўйил-ган, деб ҳисоблаб, унга 2012 йил 24 ян-варда 35-сонли талабнома берган ва ушбу хатоларни тўзатишни талаб қилган.

Шунингдек, шахар давлат солиқ инспек-цияси бошчилигининг 2012 йил 4 февралда-ги қарорига асосан “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг ҳисоб рақам-лари бўйича банк операцияларини амалга ошириш тўхтайтиб қўйилган ва ундан солиқ тўлови кечиктирилган даврга ҳисобланган 52,1 миллион сўм пеняни ундириш учун хизмат кўрсатувчи банкка шу кунги инкассо топшириқномаси тақдим этилган.

“Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бир-лашмаси томонидан талабномага асосан талаб этилган тегишли маълумотлар ша-ҳар давлат солиқ инспекциясига топши-рилган. Шундан сўнг “Пахтасаноат” ҳудуд-ий акциядорлик бирлашмасининг муро-жаатига кўра, унга ҳисоб рақамлари бўйи-ча банк операцияларини амалга ошириш-га рухсат берилган.

Гарчанд, ҳукумат комиссиясининг 2012 йил 31 мартдаги 17-сонли баённомасига асосан жисмоний шахслар иш ҳақидан уш-лаб қолинадиган даромад солиғи бўйича қарздорлик суммасига ҳисобланган пеня ҳисобдан чиқарилган бўлса-да, шахар дав-лат солиқ инспекцияси томонидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш юзасидан “Пахта-саноат” ҳудудий акциядорлик бирлашма-сининг банкдаги ҳисоб рақамларига қўйил-ган инкассо топшириқномаси қайтариб олинмаган. Натижада, тарафлар ўртасида ушбу масала юзасидан низо келиб чиққан.

Шу сабабли, Савдо-саноат палатаси ви-лоят ҳудудий бошқармаси “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси манфа-атида ҳўжалик судига даъво аризаси бил-ан мурожаат қилиб, шахар давлат солиқ инспекциясининг “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасидан 52,1 милли-он сўм пеняни ундириш ҳақидаги 2012 йил 4 февралдаги 10027846-сонли инкас-со топшириқномаси ижрога қаратилиши мумкин эмас, деб топишни сўраган.

ДАВЬОГАРНИНГ ВАЖЛАРИ

Суд мажлисида қатнашган “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси вакили шахар давлат солиқ инспекцияси томони-дан инкассо топшириқномаси асоссиз қўйил-ганлигини, 52,1 миллион сўм устаманинг ҳисоб-китоби ноаниқлигини, камерал назо-рат давомида аниқланган даромад солиғи бўйича ҳисоботлар топширилмаганлиги ҳолати бўйича ҳисобланган устамалар миқ-дори номуносиблигини, ушбу ҳисоблан-ган устамалар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати комиссиясининг 2012 йил 31 мар-тадаги 17-сонли баённомасига асосан 2012 йил — “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жисмоний шахслар иш ҳақидан ушлаб қоли-надиган даромад солиғи бўйича қарздор-лик суммаларига ҳисобланган пеня ҳисоб-дан чиқарилганлигини ва бунинг натижаси-да қорхоналар иктиёрида маблағлар ўз вақ-тида иш ҳақи тўловларига йўналтирилиши белгиланганлигини, 2012 йил 6 апрелда шахар давлат солиқ инспекцияси билан ту-зилган далолатномага асосан иш ҳақидан даромад солиғи бўйича ҳисобланган 56,2 миллион сўм устама ҳисобдан чиқарилган-лигини, ушбу сумма таркибида низолаши-лаётган устама суммаси ҳам борлигини бил-дириб, даъвои қаноатлантиришни сўраган.

ЖАВОБГАРНИНГ ВАЖЛАРИ

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси ваки-ли суд мажлисида устамалар тўғри ҳисоб-ланганлигини, даъвогар томонидан иш ҳақидан даромад солиғи бўйича ҳисобот ўз вақтида топширилмаганлиги сабабли, ўтказилган камерал назорат натижасида ус-тама ҳисобланганлигини, аммо ҳақиқатда ҳукумат комиссиясининг баённомасига му-вофиқ 2012 йил 6 апрелдаги далолатно-мага асосан иш ҳақидан даромад солиғи бўйича ҳисобланган 56,2 миллион сўм ус-тама ҳисобдан чиқарилганлигини, ушбу сумма таркибида низолашилаётган устама ҳам борлигини билдириб, даъвои қону-ний ҳал қилишни суддан сўраган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси манфа-атини қўлаб берган давлат солиқ инспекция-сининг “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасидан 52,1 миллион сўм пеняни ундириш ҳақидаги 2012 йил 4 февралдаги 10027846-сонли инкассо топшириқномаси ижро этилиши мумкин эмас, деб топилад.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ назорати Солиқ кодексининг 70-мод-дасига мувофиқ камерал назорат шаклида амалга оширилиб, солиқ қарзини сўзсиз ун-дириш юзасидан “Пахтасаноат” ҳудудий ак-циядорлик бирлашмасининг банкдаги ҳисоб рақамларига қўйилган инкассо топшириқно-маси, ҳукумат комиссиясининг баённомаси-га асосан пеня ҳисобдан чиқарилган бўлса-да, қайтариб олинмаган. Айнан мана шу са-бабли, “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва шахар давлат солиқ инспек-цияси ўртасида низо келиб чиққан.

Натижада, “Пахтасаноат” ҳудудий акци-ядорлик бирлашмаси аъзо сифатида ўзи-нинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, Савдо-саноат палатаси ви-лоят ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Шаҳар бедарвоза эмас

Яна ўша мавзу: пиротехника!

Янги йил байрамига ҳали анча вақт бор. Аммо “отни эртарок камчилаш”га уринаётган қонунбузарлар учраб турибди

ТЕЗ ёнадиган моддалардан тайёрланадиган ва ёнгини қичкириш нуктаи назаридан хавфли ҳисобланадиган пиротехника воситаларидан нотўғри фойдаланиш бевосита одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат тартибига ва фуқа-роларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин.

ТАЪКИДЛАШ жоизки, Ўзбекистон Республикаси-нинг 2010 йил 22 сен-тебрдаги “Пиротехника буюм-лари муомаласи тар-тибга солиниши муносаба-ти билан Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига қў-шимчалар киритиш тўғри-сида”ги Қонуни пиротехни-ка буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат на-зорати ўрнатилишида, фуқа-ролар манфаатларини ҳимоя қилишга, хусусан, уларнинг саломатликлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қил-моқда. Мазкур Қонунга му-вофиқ пиротехника буюмла-ри муомаласини лицензия-лаш жорий этилди.

Пиротехника буюмлари-

нинг қонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жи-ноий жавобгарлигининг қучай-тирилиши бу борада боғжона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

Олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, республикамиз боғжоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорлик-да 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган пиротехника буюмларининг қону-ний олиб ўтилишга чек қўйилди.

Янги йил келишига ҳали анча фурсат бор бўлса-да,

пиротехника мавзу-сини кўтарганимиз сизга эриш туюлаёт-гандир? Аммо “отни эртарок камчилаш”-га уринаётган қонун-бузарлар ҳам учраб турибдики, бу мавзу-га нафақат янги йил арафасида, балки доимо тўхталишга тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси боғжона бошқармаси хо-димлари томонидан “Довут ота” чегара боғжона пости орқали юртимизга пийда кириб келаётган Э.Санокўловнинг но-қонуний хатти-ҳаракатлари-га чек қўйилди. Қарангки, ушбу шахс қиймати 300 миңг сўмлик 3 турдаги пиротехни-ка воситаларини қўл суммаси-га яширган ҳолда олиб ўтиш-га уринган экан.

“Москва — Душанбе” йўналишидаги йўловчи по-



ездидан юртимизга кириб келган фуқаро К.Кайпаназаров ҳам қорақалпоғистонлик боғжоначилар қаршиида ер чизиб қолди. Чунки унга тегишли юқлар боғжона қури-гидан ўтказилганда, боғжона баённомасида кўрсатил-маган ва боғжона ходими-

компьютер базасида таъаб ҳаҷмида, офсет уйда чоп этилди.
кўчаси 30-уй.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нарҳда